

**“ЁПИҚ УРУҒЛИ ЎСИМЛИКЛАР” БЎЛИМИ ЮЗАСИДАН ДИДАКТИК
ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
УМУМЛАШТИРУВЧИ ДАРС ИШЛАНМАСИ**

Абдурасулова Гулрух

*Андижон вилояти, Андижон шаҳар, АДТИ академик лицейи
Олий тоифали Биология фани ўқитувчиси*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури умумий ўрта таълим ўқувчиларининг фан асослари бўйича мунтазам билим олишларига бўлган эҳтиёжларини ривожлантириш, таълим беришнинг илғор технологияларини жорий этиш орқали самарадорликни ошириш-ни кўзда тутди.

Академик лицейларнинг табиий фанлар йўналиши гуруҳларда ўқитиладиган “Ботаника” ўқув дастуридан ўрин олган “Ёпиқ уруғли ўсимликлар” бўлими юзасидан умумлаштирувчи дарс дидактик ўйин технологияси асосида ташкил этилди.

Умумлаштирувчи дарснинг дидактик мақсади ўқувчиларнинг “Ёпиқ уруғли ўсимликлар” бўлими бўйича ўзлаштирилган билимларини системага солиш, чуқурлаштириш, уларнинг илмий дунё қарашини кенгайтириш ўқув фанга бўлган қизиқишини орттириш, касбга йўллаш республикамизда ўсадиган ўсимликлар билан таништириш орқали миллий ғурур онгли муносабат таркиб топтириш саналади.

Ўқитувчи мазкур дарсни ташкил этиш учун “Ёпиқ уруғли ўсимликлар” бўлимига мансуб оилалар юзасидан ўқувчиларнинг мустақил бажариши учун ўқув топшириқларини тузади ва тегишли кўрғазма воситаларини тайёрлади. Жумладан, ўқувчиларни гулли ўсимликларнинг ҳар бир оиласи бўйича ўқувчиларни ўзлаштирган билимларини аниқлаш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланади.

“Раънодошларнинг оиласи” нинг ўзига хос белгиларини аниқланг.

Оила вакиллари	Гулининг тузилиши	Гул формуласи ва меваси	Илдизи, поя ва барги	Ахамияти
Ёввойи вакиллари				
Маданий вакиллари				

Мазкур жадваллар махсус конвертларга жойлаб қўйилади.

Ушбу дарс қуйидаги босқичларда ташкил этилади.

1. Ташкилий қисм.
2. Ўқувчиларни дарснинг мақсади, бориши ва ўқувчилар бажарадиган топшириқлар мазмуни билан таништириш.
3. Ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиш ва уларнинг мустақил ишларини ташкил этиш.
4. Кичик гуруҳларнинг ўқув топшириқлари юзасидан ахборотни тинглаш.
5. Ўқувчиларни рағбатлантириш ва баҳолаш.
6. Дарсни умумий якунлаш.

Ўқитувчи ўқувчиларни дарснинг мақсади, бориши ва ўқув топшириқларини таништиргандан сўнг, кичик гуруҳларни шакллантиради. Хар бир кичик гуруҳ сардори аввалдан тайёрлаб қўйилган конвертларни танлаб олади. Ўқувчилар гербарий, жадваллар ва бошқа кўрғазма воситалардан фойдаланиб, ўзлари танлаган конвертдаги оиланинг характерли белгилари, ёввойи ва маданий вакилларининг тузилиши, ахамияти бўйича ахборот тайёрлайди. Бу ахборот шеърини тарзда ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолда ўқувчилар мазкур оила вакиллари ролини ижро этиб, улар номидан фикр юритади. Қуйида шундай шеърини ахборотлардан намуналар келтирилади.

1. Раъногулдошлар

Шарбатга тўлиқ олма
Шафтоли, ўрик, олча
Қулупнай, нок, маймунжон,
Олмуруту тоғолча,
Дўлана, бодом, ёнғоқ,
Камхастагу олхўри,
Эх-хе санайверсам-да
Кўринмайди охири
Гўзал атиргулларнинг
Аждодидир наъматак,
Сохта меваси етдор,
Ширали, нордон андак
Раънодошлар оиласи
Меваларига кон асли,
Кўпайтир, ўстир хар чоғ,
Яхшидан қолади боғ.

2. Карамдошлар

Тарифим айтмасам ҳам
Биласиз дейди карам.
Карамдошлар оиласи
Кенг тарқалган вакили
Гулкарам ва бош карам,
Колраби, кўпдир хили
Қўзоқ, қўзоқча мева
Тагин мевасин ема.
Асли озиқ тўпбарги
Бўлар кузги, бахорги
Оилага вакилдир
Редиска, турп, шолғом,
Киран витаминга бой
Бўлган оддий жағ-жағ ҳам
Қон кетишда у малхам
Тўхтатиб, берар ёрдам.
Ха, ўсма ҳам бир вакил.
Карамдошлар серхосил.

3. Гулхайридошлар.

Юртнинг миллий бойлиги,
Фахри бўлган оқ олтин.
Киран гулхайридошларга
Биласиз унинг отин
Бу ғўзадир толали
Экинларнинг подшохи
Келтирар элга минг наф
Бўлиб ризқ-рўз ҳам шоҳи
Унинг Миср, Мексика
Ва жайдари тури бор
Панжасимон барглари
Мураккаб гулкўрғони бор
Оиланинг гулхайри
Дағал каноп сингари
Бахмалгул каби ғўзал
Турлари бордир азал

Кенг тарқалган тури бу
Ербағир тугмачагул
Табобатда кўп машхур
Ични юмшатар буткул
Учрар булар хар жойда
Унутманг кони фойда

4. Шўрадошлар

Шўрадошлар номидан
Сўзлар оддий лавлаги
Ширин илдиз меваси
Витаминга бой барги
Оддийдир гулкўрғони
Беш чангчили чангдони
Ёнғоқчадир меваси
Фойдалидир хаммаси
Бу оилага яна,
Кирар икки тур исмалоқ
Оқ ва қора саксовул
Санасак бўлмас адоқ
Кўп турлари ёввойи,
Асосан чўлдир жойи.
Таркибида ишқор бор,
Шўрадошлар зўр хамкор.

5. Бурчоқдошлар

Бурчоқдошлар оиласи
Наъмунаси ерёнғоқ
Барглари жуфт патсимон
Гули сарик, зарғалдоқ.
Капалак нусха гули,
Нақ ўнтадир чангчиси,
Ер тагида меваси,
Деманг илдиз бачкиси,
Оила турларига
Кирар себарга, янтоқ,
Ширинмия, оқкурай,

Ловия, нўхот, бурчок,
Акация, беда, мош,
Астрагал, тухумак,
Гледечия, ясмик,
Бари дуккакли демак,
Азот тўплар илдизи,
Таркибида оқсил, мой
Энг яхши ёқилғи-ю
Озиқ ўсимликка бой

6. Итузумдошлар.

Картошка, помидорни
Хаммангиз хуш кўрасиз.
Уларнинг оиласин,
Хозир билиб оласиз.
Мингдевона, тамаки,
Қалампиру, бақлажон,
Бари итузумдошлар
Оиласидан бўлар,
Оиланинг вакили
Қора, қизил итузум
Бегона ўт, ва лекин
Витаминга бой ўзи
Гулқўрғони мураккаб
Гажак тўпгулли бўлар
Резавор, кўсак мева
Оилага хос бўлар
Айтай сизга бир сирни
Унутиб қўйманг тагин
Бангидевона, табакда
Кучли захар бўлишин.

7. Токдошлар.

Ризамат ота номин
Кўпчилик яхши билар
Узумчилик ривожи
Ота мехнати бўлар

Пишганида тоқзорда
Каттақўрғон, хусайни
Кишмиш, ризамат, бивак,
Чарос, чиллак, даройи,
Токдошлар оиласин
Хосилин кўринг шунда
Ёздан қиш сўнгигача
Узилмас дастурхонда
Гуллари майда, тўғри
Тўпгулли, руваксимон
Резавордир меваси,
Барглари панжасимон,
Ва оила вакили
Бўлган теракбарг лифтоқ
Ётиб ўсувчи бута,
Ёввойи тур, эмас тоқ,
Биласиз-ки узумнинг
Шарбати кўп фойдали
Айниқса мураббоси
Бўлар жуда маззали
Ризамат ота йўлин
Давом эттиринг сиз ҳам
Узумчилик соҳаси
Бўлсин янада бекам

8. Қовоқдошлар.

Ох-ох тарвуз қовуннинг
Мазаси тилни ёрар
Булар қовоқдошларнинг
Машхур вакили бўлар
Пояси илашувчи ёки
Ўрмалаб ўсар
Дехқон ёздан кузгача
Унинг хосилин узар.
Оиланинг кенжаси,
Булар хандалак, бодринг,
Серсув, мазали жуда
Таъмини тотиб кўринг,

Ха, қовоқнинг турларин
Санамайин кетибман,
Идишқовоқ, носқовоқ
Борлигин унутибман.
Ойимқовоқ, ошқовоқ,
Таркибида ғиж-ғиж ёғ
Палагин босиб олманг
Тағин бўлмасин чатоқ

9. Қоқиўтдошлар.

Ердаги куёш дея,
Аталар кунгабоқар
Пистасини қовуриб,
Чақиш хаммага ёқар,
У хам қоқиўтдошлар
Оиласидан бўлар.
Бу оилага яна
Момақаймоқ хам кирар,
Баргларин шакли хар хил
Саватчадир тўп гули
Ана шу саватчада
Бўлар бехисоб гули,
Бўймадарон, шувок,
Сачратқи, латтатикон,
Ёввойи бўлса-да лек
Доривор шифо экан
Очилганда қашқаргул,
Қўқонгулу дастаргул
Кеч кузгача гулзорлар
Буларла гўзал буткул.

II. Бир уруғпаллалилар оиласи

1. Лоладошлар

Гўзалликнинг тимсоли
Тоғ, қир-адир жамоли,
Шаксиз, бу қизил лола

Сизга сўз дер уёла-
Лоладошлар бекаси,
Илк бахорнинг бекаси,
Мен лоламан, камёброқ,
Табиат маликаси
Гулим оддий гулкўрғон
Пиёзим тухумсимон
Уччаноқ кўсак мевам
Мени авайланг, юлманг
Эрта кўклардан дарак
Берар бўлган бойчечак,
Олғи, холмон хам вакил,
Наргиз хам биз –ла ахил
Камлигимиз – чун шу тоб
Панохдир “Қизил китоб”.

2. Бошоқдошлар.

Бошоқдошлар эркаси,
Кенг дала маликаси
Бу - мен маккажўхори
Бўй чўзаман кўк сари
Гулларим майда, рангсиз
Илдизим попук илдиз
Баргларим наштарсимон
Менда йўқдур гулкўрғон
Уруғчи гулим – сўта,
Етилади унда дон
Чангчи гулим рўвақдир
Унда етилади чанг
Дўстларим кўп жўхори,
Арпа, буғдо-ю, шоли,
Жавдар, сули ва тарик
Эм-хашак бўлган – ажриқ
Ғумай, қамиш, кўнғирбош
Оиламиз бошоқдош.

Бошқа оилаларга хам шу тарзда тавсиф берилгандан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ишларини тахлил қилиб, дарсда иштирок этган

Ўқувчиларни рағбатлантиради ва ғолиб гуруҳини эълон қилади. Имкониятдан келиб чиқиб, гуруҳлар оилаларининг вакилларида наъмуналар келтириб, стол тузасалар, дарс мазмунан бойиган бўларди. Бу ўқувчилар билимини янада мукаммаллаштиради.

Умумлаштирувчи дарсларни дидактик ўйин технологиясига асосланган холда ташкил этилиши фанга ва тахсил олишга бўлган қизиқишларни орттиришга, билимларни онгли ўзлаштиришга, табиат бойликларимизнинг ахамиятини англаган холда уларга нисбатан онгли муносабатни таркиб топишига замин тайёрлайди.